

МАКТАБДА БАДИЙ ГИМНАСТИКА МАШГУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА УТКАЗИШ

Абдуллаев Темурбек Улугбекович

Туркистон янги инновациялар университети магистранти

timur17o7abdullahayev@gmail.com

Telefon: +998(93) 083 98 24

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10526159>

Аннотация. Уйбу мақолада мактаб ёшдаги болаларнинг гимнастика шугулланувчиларнинг барча орган ва тизимларини гармоник ривожлантиришига, уларнинг соглигини яхшилашга, хаётий фаолиятини оширишга ва мактаб уқувчиларида тугри қомат ва харакат функцияларини шакллантириши, биологик омили ва мактаб усмирларининг ёш хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Гимнастика, бадиий гимнастика, жисмоний ривожланиш, гармоник ривожлантириши, акселерация, педагогик омил.

ORGANIZING AND CONDUCTING RHYTHMIC GYMNASTICS CLASSES AT SCHOOL

Abstract. This article provides information about the harmonious development of all organs and systems of school-aged children who practice gymnastics, improving their health, increasing their vital activity, and forming proper stature and movement functions in schoolchildren, biological factors and young characteristics of schoolchildren.

Key words: Gymnastics, rhythmic gymnastics, physical development, harmonic development, acceleration, pedagogical factor.

ОРГАНИЗАЦИЯ И ПРОВЕДЕНИЕ ЗАНЯТИЙ ПО ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ГИМНАСТИКЕ В ШКОЛЕ.

Аннотация. В статье представлены сведения о гармоничном развитии всех органов и систем детей школьного возраста, занимающихся гимнастикой, укреплении их здоровья, повышении жизнедеятельности, формировании правильного роста и двигательных функций у школьников, биологических факторах и юношеских особенностях школьников.

Ключевые слова: Гимнастика, художественная гимнастика, физическое развитие, гармоничное развитие, акселерация, педагогический фактор.

Мактабда жисмоний тарбия турли воситалар орқали амалга оширилади. Бу воситаларнинг енг муҳимларидан бири асосий гимнастика хисобланади. Бу асосий гимнастикага хос-хусусиятлар билан изохланади, бу хусусиятлар гимнастикани хамма ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбияси учун мос ва самарали воситага айлантиради. Асосий гимнастика шугулланувчиларнинг барча орган ва тизимларини гармоник ривожлантиришга, уларнинг соглигини яхшилашга, хаётий фаолиятини оширишга ва мактаб уқувчиларида тугри қомат ва харакат функцияларини шакллантиришга қаратилган.

Уқувчилар жисмоний тарбия вазифаларини муваффақиятли хал қилиш учун, улардаги харакат фаолиятининг ривожланиш шароитини хар томонлама урганиш зарур. Одамнинг харакат функцияси биологик ва педагогик омиллар таъсирида шаклланади. Биологик омил болалар ва усмирларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ булади ва уларнинг

харакат функциясига анча таъсир курсатади. Болаларда харакат анализатори бир неча йиллар давомида такомиллашиб боради. етти ёш ривожланишда бурилиш даври-эркин харакатларнинг шаклана бошлиш ва марказий нерв системасида координация механизмларининг такомиллашиш даври шисобланади. Етти ёшдан ун турт ёшгача булган болаларда харакат анализаторининг фаол ривожланиши содир булади, 13-14 ёшга келиб, харакат анализатори ривожланишининг энг юқори даражасига кутарилади. Физиологик маълумотлар болаларнинг ёши улгайиши билан катта ярим шарлар қобигининг функцияси ва айниқса дифференцияли тормозланиш (турли характерларро ухшашлик ва тафовутни ажратади олиш қобилияти) тез ривожланишини тасдиқлайди. Катта ярим шарлар қобигининг функцияси 13-14 ёшдаги усминаларда 8-9 ва 10-12 ёшдаги болаларга нисбатан яхшироқ ривожланган булади. Нерв-мускул аппарати морфологиясини оурганувчилар 8-15 ёшда барча суюк-мускул қисмлари ва периферик нерв учлари жадал усади. Марказий нерв тизими ва нерв-мускул аппаратининг функционал имкониятлари ошади, мускуларнинг огирилиги ва хажми ошади, нисбий кучнинг ута ошиши кузатилганини таъкидлайдилар.

Биологик етуклик паспорт ёшига тугри келмайди. Тенгқур усминалар хар хил жинсий етуклик даражасида булиши мумкин. Бу фарқ 1-1,5 йил булиши мумкин, жинсий етуклик еса 12 дан 15 ёшгача давом етади. Бу давр усминаларнинг харакат фаолиятига анча таъсир қилади, чунончи, бунда харакат координациясининг бузилиши кузатилади, иш қобилияти сустлашади.

Акселерация хам харакат функциясининг шаклланишига таъсир курсатади. Тана қисмларнинг тез усиши жисмоний ривожланишига ва координация фаолиятига катта таъсир курсатади. Болалар ва усминалар харакат функцияларини шакллантиришда биологик омилларни хисобга олиш зарур. Бироқ, харакат етуклиги ёшга боялиқ тарзда уз-узидан пайдо булмайди, албатта. У атроф-мухит таъсири хамда харакат фаолиятининг режими билан узаъро чамбарчас алоқада ривожланади ва такомиллашади. Демак, харакат функциясини шакллантириш ва такомиллаштиришга педагогик омилнинг асосий томонларини амалга ошириш орқали эришиш мумкин. Педагогик омилнинг биринчи таркибий қисми харакат фаолиятига ургатишдир. Болалар ва усминаларнинг харакат функцияси харакат фаолияти орқали содир булади, харакат фаолияти еса, харакатларни бажариш билан, шартли рефлектор бояланишларнинг (жамгарма) га боялиқ булади. Одатда, шартли рефлектор бояланишлари қанчалик куп булса, бу бояланишлар қанчалик турли-туман булса, унда янги харакат турлари шунчалик тез ва осон шаклланади. Уқувчиларни асосий гимнастиканинг турли-туман машқларидан фойдаланиб, янада кенгроқ укув машгулоти орқали ургатиш харакат функциясининг шаклланишига ёрдам беради. Иккинчи таркибий қисми-жисмоний сифатларнинг ривожланганлик даражаси. Жисмоний сифатлар қанчалик яхши ривожланган булса, харакат малакаси, шунга кура харакат функцияси шунчалик муваффақиятли шаклланади. Болаларда хамма жисмоний сифатларни бир текис ривожлантириб, 7-10 ёшда якка харакатлар тезлиги; егилувчанлик ва чаққонликни ривожлантиришга, 11-13 ёшда тезкор кучни, 15-16 ёшда максимал кучни ва чидамлиликни ривожлантирига купроқ этибор бериш керак.

Харакат функциясини шакллантиришда (энг мухим) учинчи таркибий қисм харакатларни вақт бирлигига фазода ва мускул зур беришининг даражасига қараб хис қила

билишни урганишдан иборат. Харакат аниқлиги ва координацияси яхши ривожланган мускул сезгиси орқали таъминланади. Бу эса харакат анализатори фаолиятининг натижасидир. Харакат анализаторининг фаолиятини факат жисмоний машқлар ёрдамида маҳсус машқ қилиш орқали такомиллаштириш мумкин. Бундай қобилиятни тарбиялаш учун, тананинг айрим қисмлари билан оддий шамда мураккаб харакатлар қилишдан юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш, мувозанат сақлаш машқлари, тирмашиб чиқиш, акробатика машқларидан фойдаланилади. Шугулланувчилар бу машқларни бажараётганда узларининг фазо тугрисидаги ва харакат фаолиятини бажариш учун сарфлайдиган вақт тугрисидаги субектив хисларини уқитувчидан оладиган маълумотларга таққослаб куришлари керак. Харакат фаолиятини жараёнида вақт, фазо ва мускул зур беришининг даражаси хақида тез ва бевосита маълумотлар бериб туриш шугулланувчиларда бу параметрларнинг турлича, ҳажмига нисбатан хиссиётини таркиб топишига ёрдамлашади, бу еса харакатларни бошқариш учун жуда муҳимdir.

Гимнастика машқларини муваффақиятли ўзлаштириш шартлари ва усуслари.

Биринчи шарт. Гимнастика машқлари ўргатишни муваффақиятли ташкил этишининг биринчи шарти — ўқувчининг тайёрлик даражасини аниқ баҳолашдир. Бунда ўқувчининг потенциал имкониятлари қуйидаги кўрсаткичларга биноан баҳоланади:

харакат тайёргарлиги (ўзлаштирган харакатларининг ҳажми ва характеристи, харакатларни ўрганишдаги типик қийинчиликлар, ўқувчида янги харакатлардагига ўхшаш харакат тажрибасининг мавжудлиги;

-жисмоний тайёргарлиги (янги харакатни ўрганиб олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган хислатларнинг камолот даражаси);

Психик хислатларининг (ўқувчиларнинг дадиллиги, қатъийлиги, узоқ вақт давом этадиган асабий зўр беришларга реакцияси ва бошқа шахсий хислатларининг) қай даражада ривож топгани.

Ўқувчининг қобилиятини баҳолаш характеристи айни чоқда қандай машқ ўрганаётганлигига боғлиқ. Гимнастика машқлари эса ниҳоятда хилма-хил, шунинг учун янги харакат ўрганилаётгандаги ҳар бир конкрет ҳолда ўқувчиннинг имкониятларини аниқлаш ўзгариб туриши мумкин.

Иккинчи шарт—ўргатиш дастурсини харакат тузилишини таҳлил қилиш ва ўқувчининг индивидуал хусусиятларини билиш асосида тузиш. Ўқитиш дастурси алгоритмик топширик, чизиқли ёки тармоқли дастур тарзида ёзилади. Гимнастика машқларининг техникаси мураккаблаша борган сари ўргатиш дастурларининг самарадорлиги ҳам орта боради.

Учинчи шарт — машқни ўзлаштириш жараёнини моҳирлик билан бошқариш. Буни ўқитувчи ўқувчи фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда аниқлик киритадиган командалар ва назораттопширикларни танлаш асосида амалга оширади.

Тўртинчи шарт — тегишли шароит ва ўқув воситаларининг мавжуд бўлиши. Бунга қуйидаги: машғулот жойи (синф хонаси, зал, майдонча), асосий ва ёрдамчи снарядлар, методик ўқув воситалари (жадваллар, расмлар, кинограммалар, одам гавдасининг моделлари, таълим техникасини ва методикаси юзасидан тузилган методик режалар ва ҳоказо), техникавий таъминлаш воситалари кино ва фотоаппаратлар, ўлчов қурилмалари ва

гониометр, динамометр ва ҳоказо типидаги асбоблар, магнитофонлар, видеомагнитофонлар, диктофонлар ва ҳоказолар киради.

Мазкур ўргатиш методлари ўқувчиларга машқ ҳақида ахборот олиш ва ўрганилаётган ҳаракат техникаси асосларини билиб олиш имконини беради. ундан ташқари, улар ҳаракат тузилиши тўғрисидаги тасаввур аниқлашуви ва аниқлашуви, шуниигдек рўй бериши мумкин бўлган хатоларни тузатишга ёрдам беради.

Учинчи гурух ўргатиш методларига қўйидагилар киради:

стандарт машқ методи бу метод трснировка машғулоти шароитида ҳаракат кўникмасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳаракатни мустақил бажариш билан характерланади; ўзгарувчан машқ методи, у қўйидаги қийинлаштирилган шароитлар билан боғлиқ бўлади: адаштирувчи сигналлар (шовқин, бегона товушлар ва ҳоказолар), атрофдаги шароитнинг ўзгариши (снарядларнинг одатдагидан бошқача қўйилиши, ёритишни ўзгартириш ва ҳоказолар), маълум топшириқни бажариш ҳақида кутилмаган кўрсатма берилиши, машқнинг комбинациядаги жойи ўзгариб қолиши машқни чарчаган ёки ортиқча ҳаяжонланиб туриб бажариш;

ўргатишнинг ўйин ва мусобақа мстоди ўқувчиларнинг ўзаро рақобат қилишини ёки ҳаракатдан муайян натижага эришиш учун масъулият сезишни назарда тутади. Мазкур ўргатиш методлари ҳаракат кўникмалари барқарорлигига эришиш имкониятини беради. Тўртингчى гурух ўргатиш методлари янги ҳаракатни

ўргатишнинг тўғри тактикасини ва ўқув жараёнини ташкил қилишнинг самарали формасини танлаб олиш имкониятини берадиган дастурлаш методларидан иборатдир. Машқни ўргатиш жараёнини алгоритмлаш дастурлаштиришнинг турларидан биридир.

Алгоритмик типдаги топшириқлар ўқув материалини қисмларга (дозалар, порциялар ёки ўқув вазифаларига) бўлишнин ва ана шу қисм вазифаларни шуғулланупчиларга қатъяян аниқ тартибда бирин-кетин ўргатишни назарда тутади. Ўқув вазифаларининг биринчи серияси ўрганиб бўлингандан ксайнингина иккинчи серияга ўтиш ҳуқуки берилади. Топшириқларни тузишга қўйидаги талаблар қўйилади:

- 1) топшириқлар ёки ўқув материалининг қисмлари ҳар бир фаолият ҳарактерини аниқ кўрсатиши, уларни танлашда тасодифга йўл қўймаслиги ва у қимларга мўлжалланган бўлса, шуларга тушунарли бўлиши керак;
- 2) алгоритмик типдаги топшириқлар битта ҳаракат фаолияти учун ҳам, структура жиҳатидан ўхшаш ҳаракатлар серияси учун ҳам тузилиши мумкин;
- 3) ўқув вазифаларининг ҳаммаси бир-бири билан боғлиқ ҳамда мураккаблашиб бориши жиҳатидан изчил бўлиши керак.

Топшириққа биноан ўқув материали қисмларини ўрганиш тартиби улар орасидаги алоқадорликка қараб белгиланади.

Алгоритмик типдаги топшириқнинг ҳар бир вазифалар серияси муайян мақсадни ҳал қилишга қаратилган бўлади.

Чунончи, ўрганиладиган ҳаракат фаолиятини муваффақият билан бажариш учун зарур жисмоний хислатларни ривожлантирадиган машқлар, ўқув вазифаларининг биринчи сериясида бўлиши керак.

Ўқув вазифаларининг учинчи серияси асосий ҳаракатлар бажарилишини назарда тутади, Масалан, брусларда қўлларга таяниб туриб олдинга силтаниб кўтарилишини ўзлаштириш учун ўқувчи силтаниб туришни ва олдинга қараб зарур бўлган баландликка силтанишни бажара билиши керак.

Харакат фаолиятини онгли бошқариш сезги органларининг ривожланиши билан чамбарчас bogълиқdir, chunki сезги органлари орқали ташки дунё хис қилинади. “Эшитиш, куриш ва бошқа сезгилар қанчалик кам ривожланган булса, -деб ёзган еди в.в. Гориневский, - одамнинг фаолияти шунчалик чегараланган ва у шунчалик кам ривожланган булади”. Maxsus текширишлар уз харакатларини фазода вақт бирлигига ва мускул зур бериши даражасини хис қилишни узлаштириб олган болалар турли харакат фаолиятларини бунга ургатилмаган болаларга нисбатан муваффақиятлироқ бажарадилар.

REFERENCES

1. Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш Консепсияси 13-феврал 2019.42 бет.
2. Эштаев А.К. Гимнастика. Ўқув услубий қўлланма. Т- 2015. 124 бет3. Г.И.ХАСАНОВА “Таълим жараёнида дастурлаштирилган ўқитиш технологиясидан фойдаланишнинг афзалликлари” Жиззах: 2020. 420 бет. 223- 2256
3. Хасanova, Г. (2021). Олий таълим муассасалари педагогларининг Креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг мазмуни. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 778-782
4. М.Усмонова Ўқувчи шахсига йўналтирилган педагогик технологиялар Таълим технологиялари. 2016 йил. 4-сон.
5. М.Усмонова Педагогик жараён лойихаси – машғулотлар самарадорлигини таъминлаш воситаси сифатида Бошланғич таълим ва жисмоний маданият ўйналишида сифат ва самарадорликни ошириш: муаммо ва ечимлар Халқаро илмий конферентсия. Тошкент. 25 май, 2017 йил.